

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

№ ВМ – 343 - 5А340606 – 2.08

«1» Июль 2003 й

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

«8» Июль 2003 й

**ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ
МОЛИЯВИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 — «Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги 5А340606 — «Молиявий менежмент»
магистратура мутахассислиги учун

Тузувчилар: доц. Жамолов Х.,
доц. Жўрабоев Қ.

Такризчилар: доц. Хайдаров Н.,
доц. Алиева Л.

Дастурдан кўзланган мақсад иқтисодий олий ўқув юртлари талабалари учун инновацион фаолият, инновацией фаолликни молиявий рағбатлантириш амалиёти юзасидан зарурий билимларни беришга қаратилган.

Нафақат молия тизимида фаолият юритаётган мутахассислар балки хўжалик раҳбарлари ҳам ушбу масалаларнинг назарий-услубий жиҳатларига муҳтожлик сезадилар.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви билан инновацион фаолият ҳаётий зарурият бўлиб қолмоқда. Инновацион фаолиятни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва молиявий рағбатлантиришнинг янги тартиблари жорий этиб борилмоқда. Мазкур ўзгаришлар молия соҳасидаги малакали мутахассисларни талаб қилмоқда. Мазкур дастур саволлари асосида берилган маърузалар "Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" фани бўйича керакли назарий билимларни беришга қаратилган.

Мазкур дастур асосида тақдим этилган маърузалар инновацион фаолият билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун зарур бўлган амалий кўникмалар беришнинг назарий йўналишларини беради.

Данная программа включает в себя сущность, функции инновационной деятельности, особенности государственной политики финансового стимулирования инновационной деятельности, основные формы инновационной деятельности и предназначена для студентов магистратуры специальности "Управление государственными финансами", "Управление местными финансами", "Финансы, денежное обращение и кредит", "Финансы предприятий" "Международные финансы", "Финансовый менеджмент", "Ценообразование", и "Международные финансовые отношения сферы "Бизнес и управление". В программе освещены вопросы современной практики финансового стимулирования инновационной деятельности в Республике Узбекистан, которые отражают суть вопросов лекционных, практических (семинарских) занятий и тем самообразования. В программе приведен список литературы для изучения предмета на узбекском, русском и английском языках. В конце списка были приложены списки сайтов Интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

Program includes the most important theme reflecting the main point of general forms of the Public Finance and is worked out considering all specialities and directions of Masters Lecture themes practical studies, seminars and self - educated questions including questions of foreign economic policy and foreign economic affairs of the Republic of Uzbekistan are observed in it Program consist of list of main and additional literature, economic news - papers and margarines, including also necessary English literature As an appendices presented list of computer educational programs, internet web - sites and electronic training aids

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома).

Дастур Узбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиғи

"Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи- мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун инновацион фаолиятнинг ррлиги, моҳияти ва уни молиявий рағбатлантириш, инновацион қўллашнинг молиявий рағбатлантиришнинг шакл ва услублари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги молия сиёсатида инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун қуйидаги вазифаларни қўяди:

- инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- инновацион фаолият ва унинг ҳозирги замон шаклларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг ташкилий асосларини ўрганиш;
- инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молия механизми хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммоларини ўрганиш;
- инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг солиқ механизми хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммоларини ўрганиш;
- инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг кредит механизми хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммоларини ўрганиш;
- чет давлатларнинг инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш юзасидан илғор тажрибалари ва хусусиятларини ўрганиш;
- давлат молия сиёсатининг инновацион фаолиятни рағбатлантириш стратегияси ва тактикаси, молиявий манбалари ва уни мустаҳкамлаш имкониятларини ёритиш;

"Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" фани "Давлат молиясини бошқариш", "Молиявий менежмент", "Фирма молияси", "Корпоратив молияни бошқариш" каби фанлардан олинган назарий асосларга таянадн.

Шу билан бирга "Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" фани қатор махсус фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, ўқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда молиявий қўнунчилик янгиликларидан, оммавий-ахборот воситалари орқали корхоналар инновацион фаолиятини рағбатлантириш амалиётидаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар амалиётда мавжуд иқтисодий таҳлил усулларида, инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг замонавий усулларида фойдалана билишлари лозим.

"Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш амалиётига оид кундалик фаолиятда

учрайдиган долзарб амалий муаммоларни ечишда ҳамда ушбу муаммога дойр адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар мияимал миқдори талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 54 соат ажратилган. Уларнинг 18 соати маъруза, 18 соати амалий машғулотлар ва 18 соати мустақил таълимдир. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш бир ўқув семестрига мўлжалланган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабалар ўзлаштириш даражаси рейтинг тихими оўйича жорий, оралик ва якуний баҳолаш асосида белгиланади.

Фан ўқитиладиган бир семестр давомида икки маротаба жорий (семинар машғулотида), икки маротаба оралик (маъруза машғулотида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш .

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланишнинг асосларини қуйидагилар исботлайди:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- "тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назарияси" дан фойдаланилиши;
- "муаммоли усул ва ҳақиқатни имитацион моделлаштириш" асосларидан фойдаланилиши;
- "таянч" ибораларга асосланган "ёзма иш" орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши;

Бу фанни ўқитишда бюджет-молия амалиётига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Project expert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологияларидан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан магистратура босқичининг "Корхоналар молияси", "Молиявий менежмент" мутахассислиги талабаларига тегишли тарзда 2-семестрда ўтилиши мўлжалланган.

Ушбу фан бўйича ишчи дастурлар тузишда:

- фан бўйича магистратура босқичининг тегишли йўналишларига тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши;
- ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб этадиган даражада берилиши;
- мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши;
- ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ёритилиши лозим.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" бўйича ўқиладиган маърузалар мавзулари

Фаннинг предмети ва мазмуни

"Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" фанининг предмети, мазмуни ва вазифалари. Фаннинг йўналиш ҳамда бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги. *Фанни ўрганишнинг усуллари. Фанни ўрганишнинг юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги ва амалий аҳамияти.*

Инновацион фаолиятнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари

Инновацион фаолиятнинг зарурлиги ва моҳияти. Инновацион фаолиятнинг функциялари, улар амал қилишининг ҳозирги замон хусусиятлари. Инновацион фаолият бозор шароитида рақобатбардошлик ва яшовчанликнинг омили сифатида. *Корхонада инновацион фаолиятни ташкил этишнинг аҳамияти ва ҳуқуқий-меъёрий ҳамда молиявий-иқтисодий асослари. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхона инновацион фаоллигини таъминлашнинг зарурлиги, омиллари ва воситалари. Корхона инвестиция дастурларида инновацион лойиҳаларнинг афзалликлари ва имкониятлари*

Инновацион фаолият шакллари ва улар таракқиётининг ҳозирги замон муаммолари

Инновацион фаолият шакллари. Техник, технологик ва интеллектуал инновациялар, XXI аср - техник-технологик инновациялар асри. *Техник инновацияларнинг иқтисодиёт таракқиёти ва корхоналар фаолиятидаги аҳамияти. Техник инновацияларни яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва унинг намуналаридан оммавий тарзда фойдаланишни ташкил этишнинг молиявий-иқтисодий, таш-килий-ҳуқуқий асослари. Технологик инновацияларнинг иқтисодиёт таракқиёти ва корхоналар фаолиятидаги аҳамияти. Технологик инновацияларни яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва унинг намуналаридан оммавий тарзда фойдаланишни ташкил этишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий асослари. Интеллектуал инновация шакллари ва уларнинг ҳозирги замон хусусиятлари.*

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг вазифалари Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг вазифалари 2003 молия пилндаги давлат инвестиция дастурида инновацион фаолиятни

рағбатлантириш тадбирлари. *Давлатнинг узок муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида инновацион фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирлари ва уларни амалга ошириш юзасидан вазифалар*

Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш усуллари ва улар амал қилишининг ҳозирги замон хусусиятлари

Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг мазмуни ва шакллари. Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш усуллари ва уларнинг хусусиятлари, мезонлари ҳамда амал қилишидаги ҳозирги замон муаммолари. Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда давлат тадбирлари. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат иштироки, хорижий инвестицияларни устувор тарзда жалб этиш, имтиёзли кредитлар бериш, солиқ имтиёзлари бериш, инвестицион солиқ кредитлари бериш, имтиёзли инвестицион муҳит яратиш, эгалик (муаллифлик) ҳуқуқининг кафолатланишини таъминлаш, давлат буюртмаларини бериш ёки маҳсулот (лойиҳа маҳсули) корхона манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда сотилишининг кафолатланишини таъминлаш ва ҳ.к. *Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг ҳозирги замон усуллари самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан хорижий давлатлар тажрибалари.*

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молия механизми

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молия

механизмининг моҳияти, таркибий қисмлари ва ҳозирги замон хусусиятлари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий-меъорий ва ташкилий

асослари. Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молиявий усуллари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молиявий дастаклари. *Инновацион*

фаолиятни рағбатлантиришги жараёнининг молиявий башорати ва молиявий

таъминоти. *Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молия механизми*

самарали фаолиятини таъминлаш., юзасидан хорижий давлатлар тажрибалари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг солиқ механизми

Инновацион фаолиятни рағбатлантириш солиқ механизмининг моҳияти,

таркибий қисмлари ва ҳозирги замон хусусиятлари. Инновацион фаолиятни

рағбатлантиришнинг солиқли усуллари Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда

солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва самарадорлиги. Инновацион фаолиятни

рағбатлантиришда инвестицион солиқ кредитларининг аҳамияти ва самарадорлиги.

Ишшувацион фаолиятни рағбатлантиришда имтиёзли солиқ режимп ва солиқ

каникулларининг аҳамияти ва самарадорлиги. *Инновацион фаолиятни*

рағбатлантириш жараёнининг солиқ, тушумларини прогнозлаштириш

амалиётида ҳисобга олиниши. Иқтисодиёт тармоқлари ва хўжалик субъектлари

бўйича инновацион фаолиятни рағбатлантириш солиқ механизмининг амал

қилиш хусусиятларининг комплекс таҳлили. *Инновацион фаолиятни молиявий*

рағбатлантиришнинг солиқ механизми самарали фаолиятини таъминлаш

юзасидан хорижий давлатлар тажрибалари

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг кредит механизми

Инновацион фаолиятни рағбатлантириш кредит механизмининг моҳияти,

таркибий қисмлари ва ҳозирги замон хусусиятлари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг кредит усуллари. Инновацион

фаолиятни рағбатлантиришда кредит имтиёзларининг аҳамияти ва самарадорлиги.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда мақсадли, имтиёзли инвестицион

кредитларнинг аҳамияти ва самарадорлиги.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда имтиёзли кредит режими ва

шарт-шароитларининг аҳамияти ва самарадорлиги. *Инновацион фаолиятни*

рағбатлантириш жараёнининг банклар кредит сиёсатини белгилаш ва

кредит портфелини бошқариш амалиётида хисобга олиниши. Иқтисодий тармоқлари ва хўжалик субъектлари бўйича инновацион фаолиятни рағбатлантириш кредит механизмининг амал қилиш хусусиятларининг комплекс таҳлили.

Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг кредит механизми самарали фаолиятини таъминлаш, юзасидан хорижий давлатлар тажрибалари

Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришдаги имтиёзлар ва улар самарадорлигини ошириш йўналишлари

Инновацион лойиҳаларнинг молиялаштирилишида давлат имтиёзли тадбирларининг мақсади ва вазибалари. Инновацион лойиҳаларни дав.чат томонидан молиявий баҳолаши ва танлаб олинишининг мепонлари ҳамда кўрсаткичлари.

Молиялаштириш манбаларида давлат иштирок этадиган инновацион лойиҳа

Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш. Тижорат банклари кредит сиёсатида инновацион лойиҳаларни кредитлаштириш. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда муаллифлик (ноу-хау) ҳуқуқи ва лойиҳа истеъмоли натижасида олинган натижага эгалик қилишнинг тақсимланиши. *Ихтиро эркинлиги ва муаллифлик ҳуқуқларига эгаллик қилишнинг давлат томонидан қўллаб-қўллаши.* Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришдаги давлат қўллаб-қўллаши имтиёзлар ва улар самарадорлигини тўғри йўналишлари.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ (ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ РЎЙҲАТИ

Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари руйхати Фаннинг предмети ва мазмуни

¹ Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш" фанининг предмети, мазмуни ва вазибалари*. Фаннинг йўналиш ҳамда бошқа махсус фанлар билан боғлиқлиги*. Фанни ўрганишнинг усуллари. Фанни ўрганишнинг юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги ва амалий аҳамияти.

Инновацион фаолиятнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари

Инновацион фаолиятнинг зарурлиги ва моҳияти*. Инновацион фаолиятнинг функциялари, улар амал қилишининг ҳозирги замон хусусиятлари*. Инновацион фаолият бозор шароитида рақобатбардошлик ва яшовчанликнинг омили сифатида. Корхонада инновацион фаолиятни ташкил этишнинг аҳамияти ва ҳуқуқий-меъерий ҳамда молиявий-иқтисодий асослари. Иқтисодий эркинлашуви шароитида корхона инновацион фаолиятини таъминлашнинг зарурлиги, омиллар ва воситалари. Корхона инвестиция дастурлари.ча инновацион лойиҳаларнинг афзалликлари ва имкониятлари.

Инновацион фаолият шакллари ва улар тараққиётининг ҳозирги замон муаммолари

Инновацион фаолият шакллари техник, технологик ва интеллектуал инновациялар XXI аср — техник-технологик инновациялар асри*. Техник инновацияларнинг иқтисодий тараққиёти корхоналар фаолиятидаги аҳамияти. Техник инновацияларни яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва унинг намуналаридан оммавий тарзда фойдаланишни ташкил этишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий асослари. Технологик инновацияларнинг иқтисодий тараққиёти учун ва корхоналар фаолияти учун аҳамияти. Технологик инновацияларни яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва унинг намуналаридан оммавий тарзда фойдаланишни ташкил этишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий-

хуқуқий асослари. Интеллектуал инновация шакллари ва уларнинг ҳозирги замон хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг вазифалари

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг вазифалари. 2003 молия йилидаги давлат инвестиция дастурида инновацион фаолиятни рағбатлантириш тадбирлари. Давлатнинг узок, муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида инновацион фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирлари ва уларни амалга ошириш юзасидан вазифалар.

Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш усуллари ва улар амал қилишининг ҳозирги замон хусусиятлари

Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг мазмуни ва шакллари. Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш усуллари ва уларнинг хусусиятлари, мезонлари ҳамда амал қилишидаги ҳозирги замон муаммолар*. Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда давлат тадбирлари инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат иштироки, хорижий инвестицияларни устувор тарзда жалб этиш, имтиёзли кредитлар бериш, солиқ имтиёзлари бериш, инвестицией солиқ кредитлари бериш, имтиёзли инвестицион муҳит яратиш, эгаллик (муаллифлик) ҳуқуқининг кафолатланишини таъминлаш, давлат бюртмаларини бериш ёки маҳсулот (лойиҳа маҳсули) корхона манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда сотилишининг кафолатланишини таъминлаш ва ҳ.к.* Инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришнинг ҳозирги замон усуллари самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан хорижий давлатлар тажрибалари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молия механизми

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молия механизмининг моҳияти, таркибий қисмлари ва ҳозирги замон хусусиятлари Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий-меъерий ва ташкилий асослари Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молиявий усуллари Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молиявий дастаклари Инновацион фаолиятни рағбатлантириш жараёнининг молиявий баъжорати ва молиявий таъминотм. Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молия механизми самарадор фаоллиятини таъминлаш юзасидан хорижий давлатлар тажрибалари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг солиқ механизми

Инновацион фаолиятни рағбатлантириш солиқ механизмининг моҳияти, таркибий қисмлари ва ҳозирги замон хусусиятлари.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг солиқли усуллари. Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва самарадорлиги. Инновацион фаолиятни мажлисининг баённомалари билан тасдиқланади.

5. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

Уқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўрагазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни ҳисоблаш, диаграммаларни, персонал компьютерда электрон жадвалларда Excel 7,0 пакети билан ишлаш орқали ёрқин намоён этилиши мумкин.

Ту билан бирга талабалар "Право" тизими орқали молиявий қонунчилик янгиликларидан хабардор бўлишлари ва ўқиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Case Studies. Инновацион фаолият таҳлилига доир ва уни молиявий рағбатлантириш амалиётига оид ўқув мисоллари (рус тилида) Молия Вазирлиги хомийлигида "Бюджет-солиқ сиёсати" Маркази томонидан тузилган.

Масофавий ўқитиш соатлари: <http://www.google.ru> (Россия Федерацияси менежмент ва бозор академияси "Молия менежменти илмий тадқиқот институти" дастурлари (муаллифлар раҳбари акад. Е. Стоянова)), <http://www.Yandex.ru>, www.rambler.ru, www.worldbank.org.ru, <http://www.imf.org>.

Компакт диск: Sales information International Monetary Fund -Publication Services, Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland

Статистик тўпламлар:

1. Узбекистан Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. Узбекистан Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. - Т., 2000, 2001, 2002.

2. Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. ТАСИС, 1999, 2000, 2001.

3. Узбекистан Республикаси Молия Вазирлигининг Маҳаллий бюджетнинг ижроси ю. асидан йиллик ҳисоботлари. - Т.. 1999, 2000, 2001, 2002.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистан миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилда ижтимоий- иқтисодий таракқиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Маҳаллий бюджетларнинг параметрлари тўғриси»даги 455-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
6. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. Т.: Ўзбекистон, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Костюнина Г.М. Международная практика регулирования иностранных инвестиций. Учеб. пос. - М., 2001.
2. Герасименко Г.П., Маркаръян Э.А. Финансовый анализ. Учеб. пос. -М.: ПРИОР, 1996.
3. Дж К. Ван Хорн. Основы управления финансами. Под ред. проф. Соколова Я.В. - М.: Финансы и статистика, 1996.
4. Ковалев В.В. Финансовый анализ - управление капиталом, выбор инвестиций, анализ отчетности. — М.: Финансы и статистика, 1996.

5. Кратко И. Г. Международное предпринимательство. Учеб. пос. -М., 2001.
 6. Лившиц А.Я. Основные ориентиры финансовой политики, // "Финансы", 1997, №1.
 10. Петров Ю. Оздоровление финансовой системы и нормативные методы государственного регулирования экономики. // "Российский экономический журнал", Изд. "Финансы и статистика". 1997, №3.
 11. Пушкарева В.М., История финансовой мысли и политики налогов. Учеб. пос. М.: ИНФРА-М, 1996.
 12. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования. —М.: Финансы и статистика, 1996.
 13. Эрик Холфсберг. Техника финансового анализа. Пер. с англ. Пол ред. Белы:-: Л. П. 2-изд. -М.: Аудит, ЮНИТИ, 2000.
 14. Boyd J Inflation "Growth and Central Banks Theory and Evidence", 1996 Policy Research Working Paper 1575 The World Bank Washington D C
 15. EBRD transition Report 1998 Financial sector in transition European Bank for Reconstruction and Development London, 1998.
 16. Hermes N. Lesmk R. Financial System Development in Transition Economies Journal of Banking and Finance Vol 24.
 17. Moyer C Financial System Corporate Finance and Economic Development, in RA Hubbard (ed) Asymmetric information Corporate Finance and investment A National Bureau of Economic Research Project Report, University of Chicago Press Chicago. Financial Sector of Banking and Stemherr A. An innovator Package for Reforms in Eastern European Countries Journal Financial 17.
 18. Mmgaleva Zh. About the experience of enterprise's strategies in crises situation. All Russian scientific conference "Economics" theory methodology, trends of development S-Petersburg, 1998.
- Tkacheva S Innovation Activities Infrastructure, as Multi Agent System The 11th Annual Meeting of the Japan Association for Evolutionary Economics JAFEE 2000 Tokyo Japan 2000.